

Қабрларни зиёрат қилиш | Фикҳ дарслари (277-дарс)



19:00 / 12 апрель 1319

Қабрларни зиёрат қилиш.

Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби бўйича, руҳ, яъни баёнга, нутқ қилишга ва хитобни фаҳмлашга қодир бўлган жон жасаднинг йўқ бўлиши билан йўқ бўлиб кетмайди. У мавжуд ҳолда бўлади. Ўлганларнинг руҳлари тўпланади. Азоб ва савоб ҳам руҳга, ҳам баданга бўлади. Руҳ бадандан ажраганидан кейин неъматланиши ёки азобланиши давом этади.

Майитлар ўзларининг тирик яқинларининг ҳолини билиб турадилар. Уларнинг яхши ишларидан хурсанд, ёмон ишларидан хафа бўладилар.

Майитлар ўзини зиёрат қилганларни билади ва у маъруф иш қилса, фойда, мункар иш қилса, озор олади.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, қабрларни зиёрат қилиш эркак ва аёлларга мандубдир. Бошқа мазҳаблар «Аёлларнинг қабрларни зиёрат қилиши жоиз эмас», деганлар.

Қабр зиёрати жума, шанба, душанба ва пайшанба кунлари бўлгани яхши. Зиёрат ва дуо тик турган ҳолда бўлади.

Зиёратчи Ёсин сурасини қироат қилиши мандубдир. Буни «Ал-Баҳру ар-Роиқ» китобининг соҳиби ва Зайлаъий Анас розияллоҳу анхудан ривоят

қилганлар.

يَلَّصَّيْبُنْ لَانَعَايُورُ دَق
:لَا قُهُ نَأْمَلَسَوِ هَيْلَعُهُ لَلَا
أَرْقَفَ رَبِّاقْمُ لَالِخَ دُنَمُ
، ذِيْمُ وَيْمُهُ نَعَفُفُخُ وَرُوسُ
أَهِيْفُ نَمِ دَدَعْبُهُ لَنَاكَ وَ
«تَانَسَحُ».

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Ким мақбараларга кирганда Ёсин сурасини қироат қилса, Аллоҳ ўша куни уларга енгиллик беради ва унга ўша ердаги нарсалар ададича ҳасанотлар бўлади», деганлари ривоят қилинган.

يَضْرِرَ رَأْسِي نُبَلِّقْ عَمُ نَع
لُوسَرَلَا قُ :لَا قُهُ نَعُهُ لَلَا
هَيْلَعُهُ لَلَا يَلَّصَّ هَلَلَا
يَلَعُ أَهْوَ عُرُقَا» :مَلَسَوِ

دَمْحَ اُ هَاوَر . فُ يَنْغَي «مُكَّاتُوم مُكَّاحِلَاو دُوَادُ وُبَاوُ هَجَامُ نُبَاوُ

Маъқал ибн Ясар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўликларингизга Йаасинни қироат қилинг», дедилар».

Аҳмад, Ибн Можа, Абу Довуд ва Ҳоким ривоят қилишган.

Шунингдек, Фотиҳа сураси, Бақара сурасининг аввалидан «муфлиҳун»гача, «Курсий» оятини, «Аманаррасулу»ни, Таборак сурасини, Такаасур сурасини, «Қул аъузу бироббил фалақи» ҳамда «Қул аъузу бироббиннаси»ни уч мартадан ва Ихлос сурасини уч, етти ёки ўн бир марта ўқиса ҳам, яхши бўлади. Қироатнинг савобини ўтганларга бағишлаб дуо қилинади.

Қироатнинг савобини Расулulloҳ алайҳиссаломга бағишлаш мустаҳабдир.

Аёлларнинг зиёратига уларга хос йиғи-сиғи, ношаръий ишлар бўлмаслиги шарт қилинган.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.